ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси • 3 май 1996 йил, жума • № 35 (282)

УШБУ СОНДА:

- *Ногиронлар қурултойига — 2-бет.*
- *Шартнома ва тадбиркор — 2-бет.*
- *Ўтмишнинг улуғ алломаси — 3-бет.*
- *Бозорнинг хўжайини ким? — 3-бет.*
- *Ойнаи жаҳонда — 4-бет.*

Иқтисодиёт

ҲУНАРМАНДЛАР УЮШМАСИ

Самарқанд вилояти ҳунармандлари бирлашишга аҳд қилдилар. Яқинда улар ассоциациясининг таъсис қурултойи бўлиб утди. Унга ҳозирча 60 ҳунарманд аъзо бўлиб кирди. Улар орасида санъатшунослар, музейларнинг ходимлари ҳамда усталар бор.

Қурултойда ижроия қўмита аъзолари сайландилар, низом тасдиқланди, машҳур уста З.Мухторов ассоциация раиси бўлди.

Ассоциациянинг асосий вазифаси ҳунармандликни бозор иқтисодиёти талабларига монанд қилиб ривожлантириш, оммалаштириш, ёшлардан янги ўринбосарлар етиштириш учун уларни ўқитиш имкониятларини яратиш, ҳунармандликни тараққий эттириш марказини тузиш ҳамда ҳунармандларнинг иш шароитини яхшилашдан иборат. Усталар маркетинг билан шуғулланиш, кўргазмалар ва семинарлар ўтказиш тараддудини кўришмоқда. Бу ишда уларга ЮНЕСКОнинг «Меҳр-шафқат корпуси» ва «Ҳунармандларга ёрдам» жамғармаси кўмаклашади.

А.МУРТАЗОЕВ.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҒАЛАБА КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги катта хизматлари учун ва 9 май Ғалаба куни байрами муносабати билан:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, байналмилал жангчилардан бўлган ногиронлар энг оз иш ҳақининг 2,5 баравар миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирлансин.

2. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ушбу мукофотнинг тўланишини таъминласинлар.

4. Дам олиш куни 1996 йил 12 май якшанбадан 1996 йил 10 майга кўчирилсин.

Узбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 1 май.

Фармон ва ижро

ҚИШЛОҚЛАР ГАЗЛАШМОҚДА

Газли уй-файзли уй — дейди халқимиз. Бу гапда катта ҳикмат бор. Дарҳақиқат, гази бор уй обод. Саранжом-саришталги, файзли, баракали. Демак, газ фаровонлик тимсоли. Президентимиз республика қишлоқларини табиий газ билан таъминлашга алоҳида эътибор бераётганлигининг сабаби ҳам ана шундан.

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида қишлоқларга «Зангори олов» етказиб беришда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозиргача тумандаги «Музбулоқ», «Истиқбол», «Бустон», «Олтин бошоқ» ҳўжаликлари асосан газлаштириб бўлинди. Даврон Йўлдошев номли хўжаликка қарашли 15 та қишлоқдан 12 таси, «Ғаллаорол» агрофирмасига қарашли 13 та қишлоқдан 9 тасига «зангори олов» қувурлари орқали мунтазам етказиб берилаяпти. Бундан ташқари «Соҳибкор» хўжалигининг «Молтоб», «Янгиқишлоқ», «Уймовут», «Гулистон» хўжалигининг «Қорача», «Марказий қўрғон», «Жабош», «Қўқбулоқ» хўжалигининг Сайфин, Чаянли, «Зарбулоқ» хўжалигининг «Чувуллоқ» қишлоқлари газлашиб бўлди. Қўйтош кенти аҳолисининг 50 фоизи эса табиий газ оқимидан фойдаланишаяпти.

— Республикамиз Президентининг Ўзбекистонни тўла газлаштириш юзасидан белгиланган вазифаси туманимизда бекаму кўст бажарилмоқда. Шу сабабдан жамоамиз 1995 йилда хайрли ишларни амалга оширди, — дейди туман газлаштириш идораси бошлиғи Абдуқодир Шуқуров. — Бир йилда қишлоқларо ва хонадонларо 87 километр масофадаги газ қувурлари монтаж қилинди. Натижада 1,5 минг хонадон «зангори олов» хизматидан баҳраманд бўлди.

Қишлоқларга газ ўтказиш 1996 йилда ҳам давом эттирилаяпти. Жорий йилда камида 80 километр масофада газ қувурларини монтаж қилишни мўлжалламоқдамиз. Шу кунларда газчиларимиз Қўйтош кентида, Эшонқул Исмоилов номли хўжалик марказида, Даврон Йўлдошев номли ва «Соҳибкор» хўжалигининг газ етиб бормаган қишлоқларида монтаж ишларини олиб боришмоқда.

Жамоамиз 1995 йилда пулли хизмат режасини 102 фоизга бажаришди. Жорий йилда аҳолига хизмат кўрсатиш давом эттирилиб, баллонли газ сотиш, таъмирлаш, газ қувурларини монтаж қилиш ҳисобига 1 миллион сум даромад олиш мўлжалланмоқда.

Э. АЛИБОЕВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

Замонавий чойхона

Жиззах шаҳрида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишларига алоҳида эътибор натижасида кичик корхоналар, савдо шаҳобчалари, чойхоналар ташкил қилиш кун сайин кўпайиб бормоқда.

Яқинда шаҳарнинг «Олмазор» шоҳбекатида 75 ўринли замонавий чойхона қуриб, фойдаланишга топширилди. Мазкур чойхонада меҳнатдан сўнг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд.

Бундан ташқари Темир йўл шоҳбекати ҳамда «Ўратепалик» маҳаллаларида ҳам янги чойхоналар мажмуи қурилиб, ишга туширилди. Шаҳар ҳудудида бундай чойхоналарнинг сони ортиб бораётганидан аҳоли жуда мамнун.

«Ишонч» мухбири.

«ГУЛИСТОН»ДА ЗАНГОРИ ОЛОВ

Мингбулоқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги аҳолисига катта қулайлик яратилди. Қишлоқ меҳнаткашларининг эзгу орзуларидан бири амалга ошди. Ниҳоят хўжалик аъзоларининг хонадонларига тутунсиз олов кириб борди. Дастлаб кекса деҳқон Абдураҳим Қурбонов оиласида чой қайнатилиб қувончли кун муносабати билан ташриф буюрган меҳмонларга тутилди.

Умуман, утган уч ой мобайнида туманда ўн беш ярим чақирим узунликда газ қувурлари тортилиб тўртта қишлоқ газлаштирилди. «Гулистон» улар қаторига бешинчи бўлиб кирди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ФЕРМЕР ҲОЖИ БОБО

Самарқанд вилоятининг Челак туманидаги Маъмур Мухторов салкам 10 йил илгари «Чорвадор» фермер хўжалиги ташкил қилган эди. Хўжаликда 50 бош қорамол, 20 бош қўй-кўзи, 100 бошдан зиёд ўрдак-товуқ бор. 0,5 гектар майдонда боғ-роғ барпо этилди.

Ўтган йили фермерлар давлатга 45 тонна сут, 7 тонна гўшт, 5 тонна ғалла топширишди. Бу йил А.Навоий номли жамоа хўжалиги шифохонасини сут билан таъминлашмоқда. Масжид қуриб берилди. 2 км узоқликдан қувур ётқизиб, табиий газ олиб келинганида барча қишлоқдошлари ундан хурсанд бўлишди.

Ёшим 70 га етганида кампирим билан Ҳаж сафарига бориб келдик,-деди Ҳожи бобо. Уч ўғлим, уч келиним бор. 22 нафар оила аъзоларимиз бир қозондан овқатланади.

Суратда: фермер хўжалиги бошлиғи Маъмур бобо Мухторов.

Т.НОРҚУЛОВ сурати.



ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

1996 йил 27 мартда қимматли қоғозлар бозорининг самарадорлигини ошириш ва уни давлат йўли билан тартибга солиш, унинг қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида мамлакатимиз Президентининг «Узбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузурида қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Мазкур Фармоннинг 4-бандида Узбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг республика «Тошкент» фонд биржасининг қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизматларини кўрсатувчи ноҳукумат агентлигини ташкил қилиш, шу агентликка хусусийлаштиришдан тушаётган маблағлар ҳисобидан 20 миллион сум миқдорида қайтариб олинмайдиган бир йўла молиявий ёрдам кўрсатилиши таъкидланганди.

Куни-кеча Давлат мулки қўмитасида ана шу масалага бағишланган таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Узбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Давлат мулки қўмитасининг раиси В. Чжен бошқарди. Йиғилишда жамиятнинг низоми қабул қилинди, мақсад ва вазифалари, ҳуқуқи белгилаб олинди. Шунингдек, бош дирекцияси, бошқарув ва назорат органлари, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси сайланди.

Спорт

«ҲАВАС» ГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Юртимизда спортнинг теннис турини янада ривожлантириш ва оммавийликни таъминлаш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Маълумки, шу кунларда Андижонда «Челенжер» халқаро мусобақаси давом этмоқда. Фарғонада уюштирилган халқаро мусобақа эса ўзига хос байрамга айланганди. Тошкентда бўлса ўзига хос теннис байрамига ҳозирлик кўрилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан «Ҳавас» анъанавий теннис мусобақаси ўтказиладиган бўлди. Мақсад, кексаю ёшларни, оддий касб эгалари-ю раҳбарларни теннис майдонига тортишдан иборат. Мусобақалар 6 май куни «Динамо» теннис саройида бошланади. Икки кун мобайнида уч гуруҳга бўлинган теннис ҳавасмандлари ўзаро баҳслашадилар. Ғолибликка даъвогарлар эса 8 май куни «Юнусобод» теннис кошонасига йўл оладилар.

Мусобақа иштирокчиларига эсдалик совғалари берилади. Ғолиблар эса «Ҳавас» совринини олишлари мумкин. Муҳими, саломатлик, ҳамиша тетик ва бардамликка йўл очадиган «Ҳавас» мусобақасида ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, вазирлар, қўмита ва бирлашмаларнинг раислари ва юқори мартабали раҳбарларнинг майдонга тушишлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

ЧЕМПИОННИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Ўзбекистон футбол чемпионати иштирокчилари «танаффус»га чиқишди.

Боиси, 8 май куни мамлакатимиз миллий терма жамоаси Осиё кубоги учун сафарда Тожикистон футболчилари билан учрашади. Чемпионатнинг тўртинчи тур ўйинлари эса 12 майда бўлади. Учинчи тур учрашувлари жамоалар мавқеида муҳим ўзгаришларга сабаб бўлди. Чунончи, мамлакат чемпионлари - «Нефтчи» футболчилари кутилмаганда «Нурафшон» майдонида ютқазиб (0:1) қўйишди. МХСК ва «Навбаҳор» футболчилари эса ўзаро учрашувда жанговар дурангга рози бўлиб, еттитадан очко билан пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлашди. Бу ўйинда ҳисоб очилмаган бўлса-да, мухлисларда яхши таассурот қолдирди. «Дўстлик», «Сўғдиёна», «Навруз», «Нефтчи», «Нурафшон» жамоаларида олтитадан очко бор.

Мирзо АНВАР.

Долзарб мавзу

ПИЛЛА-ЯРМИ ТИЛЛАМИ?

Дарвоқе, пилланинг ярми тиллалиги турган гап. Негаки, узбек аёлининг ҳуснига ҳусн-қуркига қурк қўшиб ял-ял ёнган атласу шоҳилар юртимизни дунёга танитган «оқ олтин» билан баравар қадру қимматга эга. Ипак либосни ким ҳуш кўрмайди дейсиз? Унинг қўёш нурларида товланишидан ким ҳам завқланмайди дейсиз? Ҳўш, бир маҳаллар ғозимизни тўлдириб мақтанган «пилламиз-тилламиз»нинг шу бугунги аҳволи қандай? Нафақат кийимкечак, балки ноёб саноат ҳом ашёси ҳисобланмиш бу маҳсулотга эътибор қандай?

Пилланинг нодирлиги, унинг қимматбаҳолиги узгармаган бўлсада, бу бойликка эътибор илгаридек эмаслиги дилингизни бир қадар сиёҳ қилиши турган гап. Уни етиштирувчиларнинг қадри меҳнати эса етарлича қадрланмаётир.

Бу фикрга эътироз билдирувчилар ҳам йўқ эмаслиги аниқ. Лекин далиллар ўзгар нарсалар. Ўтган йили Сирдарё вилоятида 387 тонна пилла етиштирилди. Бу ҳосил бирламчи ишловдан чиқарилиб қуритилганидан кейин 130 тонна атрофида пилла қолди. Ҳўш, шунга нима бўлибди дейсизми? Қимматбаҳо деб аюҳаннос солган пилламизнинг бир килоси ҳам сотилмади. Омборларда чанг босиб турган ноёб бойликнинг сотилмаслиги сабаблари кўп. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз...

Пиллакорнинг меҳнатини ҳар ким ҳам тушунавермайди. Бу меҳнат аслида узоқ вақтни эмас, атиги бир ойнигина талаб қилади. Шу бир ойнинг ўзи пиллакордан, айниқса оҳирги ўн беш кун шу қадар кўп машаққатни талаб этадики, асти қўяверасиз. Пилла боқувчилар нафақат кундузлари, балки олис тунлари боласига парвона бўлган она каби ипак қуртларига кўз-қулоқ бўлишади. Тезтез тоза барг солиниб, таги тозаланиб турилади. Иборали қилиб айтганда, пилла пилла бўлгунича боқувчининг ҳузур-ҳаловати йўқолиб, она сути оғзига келади.

Биласизми, шундай оғир меҳнат билан банд бўлган пиллакор шу меҳнати эвазига нимага эришади? Бир кило пиланнинг баҳоси ўттиз сум.

Савол тиғилиши табиий: пиллакор бир мавсумда қанча пилла етиштириши мумкин? Одатда ҳар бир хонадон бир қути қурт уруғи олиб, уни парвариш қилади. Шунда ҳам етарли даражада жойи, шарт-шароити бўлсагина... Баъзи хонадонлар ярим қути уруғини аранг эплайдилар. Майли бир қути ипак қурти олди ҳам дейлик. Шу уруғдан 50 кило, нари борса 60 кило пилла териб олади. Фалончи бир қути пилла уруғидан 100 ёки 120 кило ҳосил олибди, деган гаплар ҳам бору, аммо бундай кўрсаткичга камдан кам одамлар муяссар бўлишади.

Энди ҳисоб-китоб қилиб кўринг. Агар пиллакор 50 кило пилла топширса эвазига 1500 сум пул олиши мумкин экан. Меҳнатни қилишга қилиб ҳақини олишда кимларгадир саргайиб, идорама идора юришлар чарчатади уларни. Мисол тариқасида вилоят бўйича ўтган йилги ҳосил учун 7 миллион сум пул тўланиши лозимлигини келтирсак. Куриниб турибдики, бўлтурги ҳосил учун ҳеч ким ҳақ олган эмас. Шуниси ғалатики, мабодо бу йил ўтган йилги пилла ҳақи тўланса килосига уша-уша 30 сум тўланади. Ўтган йилнинг май ойидаги шу сум билан бу йилги 30 сумни таққослаб куринг-чи? Пиллакор меҳнатининг қадри-қиммати қаёқда қолди? Аммо бир сумни бекордан бекорига осмондан узиб ололмайсиз, пиллакор бояқишлар уша қадрсизланган пулни олишга рози, лекин қани у ?

Айни шу кунларда вилоятдаги давлат ва жамоа хўжаликлари, ширкатлар уюшмалари раҳбарлари бу йилги пилла қурти уруғини қандай қилиб тарқатишни билмай туришибди. «Пилла боқинг» деб айтишга уларнинг тили бормайди. Пиллакорнинг «аввалги ҳосилнинг пули қани, кейин пиллангни бер» дейишидан, яъни ҳақли талабидан ҳадиксирашади.

Яқинда вилоят пиллачилик ширкатлари ишини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси (собиқ вилоят пиллачилик бошқармаси бошлиғи) Фарҳод Сулаймонов билан учрашиб, суҳбатлашдик. Суҳбатнинг дастлабки лаҳзалари кўнгилимизда қандайдир илиқлик пайдо қилди. Саволлар, фикр-мулоҳазалар, ўринли талаблар, муаммолар... булар дилхиралиқни, хавотирликни эгаллаб олди. Бунинг туб сабаблари нимадан иборат?

Вилоят ҳокимининг кўрсатмаси билан 60 тонна пилла (1995 йил ҳосили)ни вилоят савдо ташкилотлари сотиб оладиган бўшилибди. Улар бу ҳосил эвазига пиллакорларга ун, истеъмол ёғи, бериши лозим экан. Лекин бу ҳали насия гаплар. Ҳали бу маҳсулотлар олис қишлоқларга, пиллакорнинг қўлигамас айрим одамларнинг қўлига тушмаса деган ҳавотир кўнглингизни хит қилади.

Яна бир хавотирли томони шуки, юқорида 130 тонна қуритилган пилла ҳамон сотилмай турганини айтдик. Ҳаёмай янги ҳосил пилласи ҳам гарчанд талашиб-тортилиб бўлсада йиғиб олидр топиши учун улардан тегишли жавоб кутишмоқда.

Пилламизга хорижда унинг ўзига яраша харидорлари мавжуд. Аммо битта муаммо уларни ҳам чўчитиб турибди. Сотиб олинган пиллани самолетда олиб кетиш жуда ҳам қимматга тушиб кетаркан. Поезд кираси ҳам ер билан осмонча. Масалан, 60 тонналик вагонга 6 тонна пилла сигади холос. 387 тонна пиллани ташиб кетиш учун қанча вагон керак бўлади?

Бу муаммони ҳал этишнинг йўли бор. Бунинг учун пилла ўзимизда тўла қайта ишланиб, тола-калавага айлантирилади. Шундай қилинсагина пилла ҳосили галваймаган, ихчам, озгина жойни эгаллайдиган ҳолга келтирилади. Пилла бўйича масъул республика идораларида аслида шундай гаплар, мулоҳазалар йўқ эмас, аммо қачон бу режалар амалга оширилларкин? Бу савол ҳам очилмаган муаммолардан биридир.

Яна пилла ва пиллакорнинг қадри масаласига қайтамиз. Олинган маълумотларга қараганда пилланинг таннархи ҳамон бўлтургидек турибди. Демакки, бир килоси 30 сум! Очиқ айтадиган бўлсак, бу нарх пиллакор меҳнатини менсимасликдан бошқа нарса эмас! Бу ҳиммат, ўлчов билан машаққатли меҳнати эвазига арзимаган пулга эга бўладиган пиллакорни ранжитган бўлмаймизми? Ва яна бундай силжишлар билан пиллачиликни ривожлантириб бўладими? Қўпчилик раҳбарлар ҳам, оддий меҳнаткаш пиллакор ҳам пиллачиликка жиддий эътибор ва муносиб баҳо белгиланишини интиқлик билан кутишаяпти.

Норинисо ҚОСИМОВА,
Саминжон СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

ЭЛ ЭЪЗОЗИ

Қашқадарёда тадбиркорлик билан иш юритиб, катта фойда олиб, бошқаларнинг ҳам рўзғорини обод қилаётган фермерлар кўп. Улар аҳолини иш билан таъминлаш, ободончилик, маҳсулот мул-қўлчилигига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Яккабоғ туманидаги Бойқўл Ҳудоеров номли деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи Нормурод Норматов ана шундай тадбиркорлардан бири. Фермер қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан самарали шуғулланиб келмоқда. Утган йили 146 гектар майдондан 214 тонна ғалла ҳосили олинди. Ҳосилдорлик гектарига 40 центнерга етказилди. Шу билан бирга 80 тонна памидор, 5 центнер қанд лавлаги уруғи, гектарига 2,5 центнердан пиез уруғи олинди. Йил давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан олинган даромад 2,5 миллион сумга етди.

Фермернинг тадбиркорлиги туфайли янги-янги иш жойлари ташкил этилмоқда. Фермер хўжалиги қошида бичиш-тикиш, керамзит ишлаб чиқариш цехлари, қўёнчилик фермаси иш юритаяпти. Уларнинг ҳаммаси 170 кишини иш билан таъминлайди. Нормурод Норматов ҳаммом, сартарошхона ва бошқа манфий иншоотлар ҳам қурмоқчи. Фермер хўжалиги даромадлари ҳисобидан тумандаги Лермонтов номли ўрта мактабнинг аълочи ўқувчиларига стипендия белгиланган. Фермер хўжалиги аъзоларининг шу мактабни тамомлаб Тошкент иқтисодиёт университети, халқаро иқтисодий алоқалар ва дипломатия университетида ўқиётган фарзандлари ҳам ўқув жараёнида фермер хўжалигидан стипендия олиб турадилар.

Эзгуликнинг савоби катта. Эл ризқини қўлайтириш, кишиларнинг оғирини енгил қилиш йўлида меҳнат қилаётган Нормурод Норматовнинг фермерлик фаолияти ҳам эзгуликка монандир. Зотан, ундай кишиларни эл ҳам эъзозлайди.

М. КЕНГБОЕВ.

ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

Узбекистон об-ҳаво бюросининг берган маълумотига қараганда, келгуси ҳафтанинг дастлабки кунларида ёғингарчилик бўлмайди. Фақат тоғли туманлар ҳудудларидагина бироз ёмғир ёғиши кутилади. Дастлабки кунларда кечалари ҳарорат 3-8 даража илиқ, кундуз кунлари эса 19-24 даражагача иссиқ бўлади.

Ўлкамизда илиқ баҳорий иқлим ҳукм сурмоқда. Дов-дарахтлар яшил тусда. Баҳорни соғинган дилларга ажиб илиқлик, ҳуш кайфият бағишламоқда. Ҳафтанинг дастлабки кунларида «геомагнит бурон»лари кутилмайди, об-ҳавода ҳам бирор инсон тансиҳатига нохушлик пайдо қиладиган вазиятлар кузатилмайди. Томорқа ишлари билан шуғулланиш, очиқ ҳавода кўпроқ бўлиш фойдадан ҳоли эмас.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА

Бу йилги 1 май куни дунёнинг кўпгина мамлакатларида тўқнашувлар, норозилик ҳаракатлари, сиёсий компаниялар ва байрам тадбирлари билан нишонланди. Москвада минглаб меҳнаткашлар анъанавий меҳнат байрамидан бўлажак президентлик сайловлари олдидан узаро рақобатда бўлган номзодларни қўллаб-қувватлашда фойдаландилар. Президент Б.Ельцин ўз ҳайриҳоҳлари олдида сўзга чиқиб, улар яқин орада турли-туман ислоҳатлар меваларидан баҳраманд бўлишларини таъкидлади. Унинг асосий рақиби коммунистлар раҳбари Г.Зюганов ўз тарафдорларига июндаги сайловларда албатта ғолиб чиқишга ваъда берди.

***

Киевда ҳам икки жойда оммавий митинг бўлиб ўтди. Уларнинг бирига сўл сиёсий патиялар ва ҳаракатлар тарафдорлари, иккинчисига - ўнг кучларга ғайрихоҳлар тўпланишди. Шаҳарда шу куни тартибсизликлар содир бўлмади. Бунинг бош сабабини шаҳар маъмурлари митингчиларни турли майдонларга бўлиб юборганлиги билан изоҳлаш мумкин. Сўл кучлар ва ҳаракатлар тарафдорлари колонналари собиқ СССР байроқлари ҳамда қизил-зангор байроқлар билан ҳозирги Европа майдонига тўпланишди. Митингда Социалистик партия, Коммунистик партия лидерлари ва бошқалар сўзга чиқишди.

Айни шу пайтда қарамақарши кучлар намоёндалари София майдонига йиғилишди. Антикоммунистик ва антиимпериалистик деб ном берилган бу ердаги митингда уч мингта яқин киши қатнашди. Ҳар икки майдонда мутлақо қарама-қарши фикрловчи одамлар Украинанинг барбод бўлган иқтисодиёти, Украина халқининг қашшоқлашиб кетаётгани, республика аҳли совуқ қиш, оғир баҳорни бошдан кечиргани хусусида бир хил фикрларни изҳор этардилар. Нотиқлар бир овоздан ҳукумат ва Президентни сўкишарди. Европа майдонида суллар «шармандалик» деб қичқиришса, София майдонида унглар ҳудди шу сўзни украинчасига такрорлади.

***

Минскда 1 май митинги тўс-тўполонсиз ўтди. Мустақиллик майдонига йиғирма минтга яқин киши тўпланди. Расмий касаба уюшмалари ва компартия даъвати билан келганлар қизил-зангори давлат байроғи остида, майдондагиларнинг учдан бир қисмини ташкил этувчи Социал демократлар оқ - қизил - оқ рангли байроқлар остида туришарди. Сиёсий қарама-қарши кучлар полициячиларнинг жонли девори билан ажратилганди. Турли сиёсий қарашларга мансуб нотиқлар яқдиллик билан ҳукуматни қоралашди.

Опозиция тарафдорлари шу йил 26 апрель куни қамоққа олинган оммавий ҳаракат иштирокчиларини озод қилишни талаб қилиб чиқдилар. Дарвоқе, айрим маълумотларга кўра Белорус халқ фронти раисининг муовини Юрий Хадика ИИВ ҳибсхонасидан турмага ўтказилган. Митингдан кейин уюштирилган юришда намойишчилар Президент А.Лукашенко портретини ёқиб юборишди...

***

Россия Президенти Б.Ельцин 16 июндаги Президент сайловларигача Чеченистонга бориши эҳтимол тутилмоқда. Лекин у болажак ташрифнинг аниқ муддатини айтмаган.

Бир неча кун муқаддам узаро рақобатчи гуруҳлар тўқнашувида ҳалок бўлганлиги эълон қилинган З.Яндарбиев Чеченистон жанубида ғарб журналистлари билан учрашиб, федерал қўшинлар республикани тўла тарк этмагунча Москва билан музокаралар олиб бормаслигини маълум қилди. Бундан олдинроқ у Ичкерия телевидениеси орқали чиқиш қилганди.

ХОРИЖДА

Истамбулда 1 майга бағишланган митинг олдидан ва ундан кейин тўпланганлар билан полиция ўртасида кескин тўқнашувлар юз берди. Улар натижасида 3 киши ҳалок бўлган, 40 дан ортиқ киши яраланган.

Берлинда намойишчилар билан полиция ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувлар туфайли ўнлаб кишилар жароҳат олганлар.

Цюрихда Швейцария полицияси намойишдан сўнг шаҳар марказида дўкон витриналаридаги буюмларини ўтирлаб, автомашиналарга ўт қўя бошлаган безори ёшларни тарқатиб юбориш учун кўздан ёш оқизадиган газ ва резина ўқлардан фойдаланган.

***

Фаластин мухториятининг раҳбари Ясир Арафат расмий ташриф билан Вашингтонда бўлди. Унинг мазкур ташрифи катта амалий аҳамиятга эга бўлиб у шу йил 5 майда бошланадиган Фаластин-Исроил музокаралари учун қулай шарт-шароитлар яратиши керак эди. Музокараларнинг бош мавзуи - Иордан дарёси ғарбий соҳили Ғазо секторидан Исроил қўшинларини батамом олиб чиқиб кетишдан иборат бўлади. шу муносабат билан шарҳловчилар сўнгги йилларда жаҳонда катта ўзгаришлар рўй берганини таъкидлашмоқда. Ваҳоланки, бир неча йил олдин АҚШ Я.Арафатни террорчи ҳисоблаб, ҳатто унинг мамлакатга киришига рухсатнома беришдан бош тортарди. Эндиликда Президент Б.Клинтон уни Оқ Уйда Фаластин маъмуриятининг раҳбари сифатида қабул қилди. Бу кўп жиҳатдан Я.Арафатнинг Яқин Шарқ муаммоларини тинч йўл билан ҳал қилиш учун курашдаги хизматлари эътироф этилганлигидан далолат беради. АҚШ Фаластин мухториятида демократик институтларни шакллантиришга ёрдам бериш мақсадида яқин беш йил ичида ярим миллиард доллар маблағ ажратишга ваъда берган.

***

Исроил бош вазири Ш.Перес чоршанба куни Франция пойтахти Парижга келган. Бу ерда мамлакат Президенти Ж.Ширак билан бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлар чогида у барбод бўлган иқтисодиётини тиклашда Ливанга ёрдам беришга ваъда қилган. Исроил Ливанни душман деб ҳисобламайди, деб таъкидлади Ш.Перес. У АҚШ Президенти Б.Клинтон билан Яқин Шарқда терроризмга қарши кураш бўйича ҳўжжатни имзолагандан кейин Вашингтондан бу ерга келган.

Ўзбекистон ногиронларининг Республика қурултойи олдидан

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

6 май куни Республика ногиронлар жамияти аъзолари қурултойга йиғиладилар. Мазкур йиғинда шу куннинг талабидан келиб чиқиб, ечимини кутаётган муаммолар ҳал қилинади, келгусидаги амалга ошириладиган вазифалар белгиланади.

Тошкент шаҳридаги ногиронларнинг ижтимоий узаро ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти ўз фаолиятини 1989 йилда бошлаган. Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, иш жойларини ташкил қилиш жамиятнинг асосий мақсадларидан биридир. Куни кеча жамиятнинг бўлиб ўтган ҳисоботсайлов конференциясида ҳам жамиятнинг фаолиятига кенг тўхталинди. Конференцияда жамият кенгашининг ўтган давр ичидаги бажарган ишлари бўйича ҳисоботи ва келгусидаги иш дастури кўриб чиқилди.

Жамият асосан ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш асосида фаолият олиб бормоқда. Низомда кўзда тутилган кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни маънавий ҳимоялаш, лаёқатига қараб меҳнатга жалб қилиш, маданий дам олишлари учун турли хил тадбирлар уюштириш шулар жумласидандир.

Бу каби мақсадларни амалга ошириш учун жамият қошида ташкил қилинган ишлаб чиқариш корхоналари, жамиятнинг туман бўлинмалари ёрдамида 846950 сўм маблағ сарфланди. Жамият аъзоларига 1993 йил 1320000 сўм купон, 1994 — 1995 йилларда эса 45700 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 17 ногиронга соғлигини тиклаш учун 34900 сўм ажратилди. Жамиятимиз аъзоларидан 3 кишига — 2-гуруҳ ногиронлари Жиляев, Худоёрова ва Саидкаримоваларга фоизсиз кредитлар берилди. 200 дан зиёд ногиронлар жамият қошида ташкил қилинган ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Мазкур ишлар қувонарли, албатта. Аммо кейинги пайтда жамиятга ёрдам бераётган ҳомийлар сони анчайин камайиб қолганлиги бироз режадаги ишларни амалга оширишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Ҳозирги кунда жамият олдида турган энг катта муаммолардан бири жамият мавқеининг ноаниқлигидир. Кўпгина нуфузли ташкилотлар жамиятни ногиронлар ташкилотида сифатида тан олмаётганликлари ҳам ачинарли ҳолдир. Шу боис жамиятта ва унинг қошида ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарига берилган солиқ имтиёзлари инобатга олинмаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Ҳозирги кунда туман ижтимоий суғурта фонди томонидан жамият бўлинмаларининг 36 фоизли суғурта тўловига тортилиши ҳам ечилиши лозим бўлган муаммолардан биридир. «Меҳрибонлик» жамиятининг асосан лаёқатли ногиронларни меҳнатга жалб қилиш учун ташкил қилинганлиги инобатга олинмай, ишлаб турган ногиронлар имтиёзлилар ҳисобига киритилмай қолганлиги ҳам ачинарлидир. Бу масала албатта кечиктирилмай кўриб чиқилиши зарур.

Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш қонунга биноан ногиронлар жамиятлари ва улар қошида ташкил этилган корхоналар имтиёзлардан фойдаланишлари керак. Жамоат ташкилотлари ҳақидаги қонунда белгиланиши бўйича эса жамоат ташкилотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланишлари, яъни ўзларини маблағ билан қоплашга қаратилган фаолият билан машғул бўлишлари кўзда тутилмаган, савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиш ҳам мумкин эмас. Бу эса жамоат ташкилотларини боқимандаликка олиб келиши табиий. Ҳар бир ташкилот ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши зарур-ку! Ҳар бир корхона ишчи ўринларидан 3 фоизини ногиронлар учун ажратиши, уларга имтиёзли равишда хизмат кўрсатиши, ногиронлар ташкилотлари учун имтиёзлар белгиланиши каби масалаларга эътиборни кучайтирмоқ зарур.

Солиқ инспекциялари, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан келишилган ҳолда, ногиронларни иш билан таъминлаш мақсадида якка тартибда савдо қилиш учун жамият ўз аъзоларига шартномалар асосида рухсатномаларни бериши ҳамда улар соф фойдаларидан 20 фоизигача жамият маблағини тиклашга утказишни ҳам йўлга қўйиш керак.

Шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлари учун белгиланган имтиёзларни кучайтириш, яъни транспортдан бепул, телефон хизматидан имтиёзли фойдаланиш, коммунал хизматлар тўлови каби масалаларни ҳам кўриб чиқиш зарур.

Юқорида қайд қилинган муаммоларнинг ҳал қилиниши, 1995 йил ноябрида қабул қилинган «Узбекистон Республикасида ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996—2000 йилларга белгиланган Давлат дастури»ни амалга оширилиши йўлида босилган илк қадамлардан бўлади. Бу дастурда кўзда тутилган бошқа масалалар, яъни ногиронлар учун инфраструктурани мослаштириш, ногиронлар эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда, уй-жой биноларини лойиҳалаш ва қурилиш ишларини амалда бажариш, улар учун тиббий соғломлаштириш марказларини ҳамда янги иш жойларини ташкил қилиш алоҳида ўрин тутади.

Умуман, ҳар бир жамият инсонпарварлиги билан улуғвордир. Келинг, ёнгинамизда ёрдамга, меҳр-шафқатга муҳтож кишиларга бир оз эътиборли бўлайлик. Уларнинг ўзлари турмуш даражаларини оширишлари учун интиладилар, албатта. Бизлар эса баҳоли қудрат мадад бўлайлик, мурувватли имкониятларимизни аямайлик.

Ж. ХОЛМАТОВ.

МУРУВВАТ КУНДА КЕРАК

1992 йил 27 майда Узбекистон Республикаси ногиронлар жамиятининг Наманган вилоят бўлими ташкил этилди. Вилоятимизда истиқомат қилаётган ногиронларнинг аҳволларидан хабар олиб туриш, уларга ишлаш ва тулақонли ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароитларни яратиш мазкур жамиятнинг вазифаларидан биридир. Давлатимиз ҳам жамиятимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган бир қатор қонун қабул қилган. Қонун кучга кириши билан ок бу борада дадил вазифалар амалга оширила бошланди. Учқўрғон, Норин, Чортоқ, Наманган, Уйчи, Мингбулоқ, Давлатобод туманлари ва Наманган, Чуст шаҳарларидаги ногиронлар жамиятларининг бу борадаги олиб бораётган фаолиятлари диққатга сазовордир.

Вилоятдаги 50000 дан зиёд ногирондан 9879 нафари туманлар ва шаҳарлардаги жамиятга аъзоликка қабул қилинган. Жамият аъзоларидан 314 нафари турли ишларга жойлаштирилди. Ногиронларни жамият аъзолигига олиш ва уларни иш билан таъминлаш давом этмоқда.

Узга кишининг бевосита қаровига муҳтож ногиронлар вилоятимизда афсуски, кўпчиликни ташкил этади. Вилоят ҳокимияти, вилоят сув хўжалиги бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Наманган меваларни қайта ишлаш жамияти, Наманган ҳиссадорлик ишлаб чиқариш ва тижорат корхонаси каби муассаса ва идоралар ногиронларга ўз мурувват қўлларини чўзганлар. Мазкур корхона, муассаса, ташкилотлар ёрдамида ёлгиз қолган қариялар, боқувчисини йўқотган оилалар ва турли тоифадаги ногиронларга 1993 йил давомида 100100 тонна ун, 46900 тонна гуруч, 2600 килограмм шакар, 4300 килограмм ўсимлик мойи, 27800 килограмм гўшт, 107600 килограмм бўғдой, шахсий чорва ҳайвонлари учун 2387 тонна ем-хашак ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бепул берилди.

1994—96 йилларда ўтказилган Бутунжаҳон ногиронлар кунлари, Наврўз, Республика мустақиллиги байрамлари, Уйчи туманининг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирларда ногиронларга кўрсатиладиган ёрдам айниқса сезиларли бўлди. Маҳаммаджон Абдуллаев раис бўлган Наманган шаҳар ногиронлар жамияти 1995 йил 24 майда шаҳар ҳокимининг қарори билан тузилган бу жамиятда дастлаб 5118 нафар аъзо бор эди, ҳозир эса улар сони 4976 кишини ташкил этади. Вақтинча ногирон бўлганлар ишга тушиб кетишди. Президентнинг 433-сон қарори билан ногиронларга уларнинг саломатлигини муҳофазалаш учун қатор тадбирлар белгилаб, ёрдам кўрсатилди. Ногирон С. Акбаровага Тошкентга келиб даволаниши учун ижтимоий таъминот бўлимидан ёрдам берилди, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳам пул ажратди.

Наманган туманида туман ногиронлар жамияти раисининг муовини Рустам Абдураҳмонов ногиронларнинг туман спорт секциясини очишга бош-қош бўлди. Бу секцияда ногиронлар асосан футбол, шахмат-шашка каби машғулотларга қатнашадилар. Ногирон Нишонбой Отамирзаевга эса Олтиариқ санаторийсига бепул йўлланма берилди.

Бундай меҳрга, мурувватга асосланган тадбирлар кўплаб амалга оширилмоқда. Хуллас, вилоят, республика ногиронлар жамиятининг сайъ-ҳаракатлари ногиронларнинг тулақонли турмуш кечиришларига қаратилган.

Исҳоқжон МАШРАПОВ,
Наманган вилоят ногиронлар жамияти раиси.

«МЕҲР»НИНГ МЕҲРЛИ ИШЛАРИ

Авлодимиз соғлом, уктам ва оқил бўлиб ўсса, Ватанимиз келажаги ҳам шу қадар порлоқ бўлиши табиий. Аммо, жисмонан касалманд, ногирон бўлиб қолган ҳамюртларимизга жамиятимизда тулақонли ҳаёт кечириши, меҳнат қилиши учун ғамхўр бўлмоқлик нақадар зарур...

Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги собиқ «Коммунизм» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Кулла қишлоғида туғилиб ўсган Юсуфжон Эшонқулов 1993 йили 11-синф ўқувчиларини ўқитади. Урта мактабни битиришларига 2-3 ой қолганида унинг шогирдларидан бири журъат қилиб сўраб қолди:

— Сиз жон қуйдириб ўқитяпсиз. Эсимни таниганимдан бери ҳуқуқшуносликни ўргатасиз. Қонунлар, қарорлар кўп.

Ҳаёт бошқа, адабиёт бошқа, деганларидай, турмушда устивор бўлмаганидан кейин бу янги қонунларни ўргатиш ва урганиш кимга ҳам манфаат келтирарди?

Шогирдининг теран мулоҳазали саволи ўн йилдан зиёд ҳуқуқ ва қонундан дарс ўтавериб, тажрибаси ошиб қолган Юсуфжон домлани эсанкиратмади. Аксинча, мамнун қилди. «Демак, шогирдларим орасида илм мағзини аччиқ-нордони-ю, ҳаётий ё амалийлигини фаросат тарозусига солиб ўлчайдиганлари ҳа бор экан», деган фикр кечди ҳаёлидан.

— Ёш, мурғак республикамиз энди мустақилликни қўлга киритди, — деди у. — Албатта, бешикдаги боланинг бек бўлишини ҳеч ким олдиндан башорат қила олмаганидек, қабул қилинган ва қилинаётган қонунлар ижроси билан кучли.

— Рузномаларда ногиронларга ёрдам берилаётгани ҳақида ёзишади, — бўш келмади ўқувчи, — лекин ўз қишлоғимиздаги ногиронларнинг аҳволи ўзгармаяпти, чамамда. Уларга мадад кўрсатиш қонун билан кафолатланган-ку! Мана ногиронлар ҳақида қонун чиқди. Унинг ижросини қишлоғимиз ногиронлари ҳис этаётгирмикин?, — ўқувчининг меҳр тўла кўзлари устозидан жавоб кутиб боқарди.

Ўқувчиларнинг мулоҳазаларида жон бор эди. Шу боис Юсуфжон тадбиркорлик асосида ногиронлар корхонасини ташкил этиб, уларни иш билан таъминлашни кунглига тугиб қўйди. Шу-шу бўлдию, ўз эҳтироси, илми, иқтидорини ўқитувчиликка бағишлаган Юсуфжон касбини ўзгартириб юборди: тадбиркорликка юз бурди.

1993 йили Булоқбоши тумани ногиронлар жамияти қошида «Меҳр» деб номланган қўптармоқли кичик корхона ўз фаолиятини бошлади. 65 фоизи ишчи ва хизматчиси ногиронлардан иборат бўлди. Мазкур корхонада уйда кийиладиган аёллар халати, курпа-ёстиқ жилдлари, ёш қизларнинг миллий кўйлаклари бичбичикила бошланди. Натижада қишлоқдаги кўпгина одамлар иш билан таъминландилар. Моҳир устозлар етишиб чиқишди. Жумладан, бичиқчи Барчиной Қурбонова, Дилфуза Ҳасановалар эндиликда устозлик қилишмоқда. Гулнора Тошматова яхши бичиқчи бўлиб олди. Фотима Қўлдошева, Соҳиба Ибрагимова сингари ногиронлар бугунги кунда моҳир чевар сифатида донг таратишди.

1993 йили тумандаги хўжалик йилини якунловчи конференцияда «Меҳр»кичик корхонасининг ташаббуси ва фаолияти қўллаб-қувватланди. Унда 1994 йили туманнинг барча жамоа хўжаликларида «Меҳр» бўлимини очишга қарор қилинди. Шу йилнинг ўзида 5 жамоа хўжалигидаги 104 киши ишга жойлашди. 1994 йилда туман ҳокимияти 2000 ногиронни иш билан банд этишнинг дастурини тузди.

1994 йил якуни бўйича Андижон вилоят ҳокимияти биносида тадбиркорларнинг вилоят танлов ярмаркаси утказилди. «Меҳр»нинг моҳирона тикилган маҳсулотлари вилоят ҳокимияти ва вилоят тадбиркорлар уюшмасининг мақтов ёрлиқларига сазовор бўлди.

Аммо бу ютуқлар узоққа чўзилмади. Янги шароит ва бозор иқтисодининг кўндаланг қўйган айрим муаммолари корхона ишининг сустлашишига сабаб бўлди. Жумладан, хом ашё бозорининг қимматлашиб кетиши натижасида тақчиллик сезилиб, етти-саккиз ойлаб ногиронларнинг ишсиз қолишига сабаб бўлди. Юсуфжоннинг эса тинчи йўқолди. Инқироздан чиқиш йўлларини ахтариб, кичик корхона фирмага айлантирилди. Бичиш-тикиш цехи ёнига қандолатчилик цехи қўшилди. Маҳаллий шакарпаз-пазанда одамлар ишга сафарбар қилинди. Бир-икки ҳафтада кондитер цехи ишга тушди. Кичик ун заводи қурилиб, туман бўйича ногиронларга давлат корхоналарига нисбатан 15 фоиз арзон ун ва ун маҳсулотлари етказиб берила бошланди. Юсуфжоннинг тадбиркорлиги туфайли ишлар яна юришиб кетди.

«Меҳр» кичик корхонаси ҳозир ногиронларнинг хусусий фирмасига айланиб, қаддини ростламоқда. Унда меҳнат қилаётган 61 кишилик жамоанинг 36 нафари ногирон бўлиб, шу ерда касб эгаллаб, мутахассис бўлиб ҳам олишди. Эндиликда «Меҳр» корхонаси юксалиш учун интилаётир.

Жўра ТОЖИ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

«Ишонч»нинг ҳуқуқий дарсхонаси

Менинг умумий иш фаолиятим 34 йил, шундан 25 йил мобайнида тракторчилик қилганман. Ёшим 58 да. Мен учун кўпдан буён айрим масалалар жумбоқ бўлиб, уларга на «Ишонч»да, на бошқа рўзномалар саҳифаларида қаноатлантирарли жавоб тополмаяпман. Мени қизиқтираётган қуйидаги саволларга мутахассисларнинг маслаҳатини газета орқали берилишини илтимос қиламан.

1. Эшитишимча, қишлоқ хўжалигида ишловчи тракторчилар (механизаторлар) 55 ёшда пенсияга чиқишлари мумкин экан. Шаҳардаги тракторчилар эса 60 ёшдан пенсияга чиқадилар. Ваҳоланки, даладагилар 8 ой ишлаб, 4 ой дам олишади. Шаҳарлик тракторчилар эса 11 ой ишлаб, 1 ой дам олади.

Нима учун биз шаҳарлик тракторчилар 55 ёшдан нафақага чиқмаймиз?

2. Бултур, яъни 1995 йилнинг ноябрь ойида штат қисқариши туфайли тракторчиликдан юкчиликка ўтиб ишлаяпман. Сўнгги пайтларда соғлиғим ёмонлашмоқда.

Муддатдан олдин пенсияга чиқишим мумкинми?

Йўлдош РЕЖАМАТОВ,
Тошкент шаҳридаги 1-уйсозлик комбинатининг УПТК тракторчиси.

ИМТИЁЗ БАРЧАГА БАРОБАРМИ?

Узбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги» Қонунининг 9-моддасида белгиланишича, Узбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқланган рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 12-моддасида умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда (яъни эркаклар учун - 55 ёшдан, аёллар учун -50 ёшдан) пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифалари, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхатига киритилган ходимларнинг айрим тоифалари кўзда тутилган. Қонуннинг ушбу моддасининг в/бандига асосан қишлоқ хўжалиги ходимларининг айрим тоифалари, яъни 3-сонли рўйхатининг II қисмида кўрсатилган ходимлар, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган тракторчи-механизаторлар-ишчилар умумий иш стажи камида эркаклар учун 25 йил бўлиб, бундан камида 15 йили рўйхатда кўрсатилган ишларга тўғри келган тақдирда ва аёллар - умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, унинг 15 йили кўрсатиб утилган ишларга тўғри келган тақдирдагина имтиёзли равишда 5 йил муддатидан илгари пенсияга чиқишлари мумкин.

Куриниб турибдики, қишлоқда ишловчи барча тракторчи-механизаторлар имтиёзли равишда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга эмасдир.

Қонуннинг 12-моддаси г/бандига мувофиқ тракторчи-машинист, трактор ва экскаваторлар негизида йиғилган қурилиш, йўлсозлик ва юк ортиш-тушириш машиналарининг машинисти бўлиб ишлаган аёллар (шаҳарда ва қишлоқда ишлашидан қатъий назар) умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили 3-сонли рўйхатнинг III қисмида кўрсатилган ишларга тўғри келган тақдирда 50 ёшдан пенсияга имтиёзли шартда чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Умуман олганда, имтиёзли равишда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхатлари тегишли идоралар, вазирликлар ва муассасалар томонидан ҳар тарафлама асослантирилган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унга киритилган касбларнинг ўзига хос хусусиятлари ва мураккабликлари ҳисобга олинган ҳолда қабул қилингандир. Шу сабабли Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар қатъий бўлиб, уларга амал қилиш мажбурийдир.

Сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни инкор этмаган ҳолда, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутлар йўқолиб бориши билан, пенсия тайинлашдаги фарқлар ҳам келгусида барҳам топишига умид қиламиз.

Иккинчи саволингиз хусусида эса шуни айтишим мумкинки, амалдаги пенсия, меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш қонунларида белгиланган тартибда ва асосларда 58 ёшингиздан пенсияга чиқиш имкониятингиз бор эди. Яъни, пенсия қонунининг 14-моддасига биноан ходимлар сони (штатлари) қисқартирилиши ёки корхона, муассаса ва ташкилотларнинг тугатилиши муносабати билан ишдан бўшатилган ва ишсиз мақомига эга бўлган эркаклар 58 ёшга тулганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда муддатидан олдин пенсияга чиқишлари белгиланган.

Жавобларни ҳуқуқшунос Абдувоҳид АҲМЕДОВ тайёрлади.

Суратда: шаҳар ногиронлар жамияти раиси Ҳабибулла Жалилов кўп болали Муҳлиса Тўлаганова оиласининг кенжа фарзандига мактаб ўқув қуролларини совға сифатида топшириб қолда.

А. ҚУРТМУЛЛАЕВ сурати.

НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолининг кам таъминланган қисмини, айниқса ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга етарли шарт-шароит ва имтиёзлар яратиб бериш долзарб масалалардан биридир. Бу борада Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябрдаги 433-сонли «Узбекистон Республикасининг ногиронларни реабилитация қилишнинг 1996—2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» тўғрисидаги қарори қабул қилинган бўлиб, шу асосда вилоят ҳокимининг 1995 йил 19 декбрида 267-сонли қарори ҳам қабул қилинган эди. Бироқ, мазкур қарорларнинг бажарилишида сусткашликка йўл қўйилаётибди. Қабул қилинган тадбирлар эса қоғозларда қолиб кетаётганлиги ачинарлидир. Умуман ногиронларни ишга жалб қилиш ва уларга шароитлар яратиб бериш билан боғлиқ вазифалар ҳам қўнгилдагидек эмас. Шу боис ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга шарт-шароит ва имтиёзлар яратиш борасида ҳукумат қарорларининг бажарилишини доимий назоратга олиб борилиши қатъий йўлга қўйилди.

Янгича муносабатлар

ТАДБИРКОР ТАНЛАГАН УСУЛ

ёки жўжани кузда санамаслик хусусида

Жамиятимиз ҳаётига изчил кириб бораётган бозор иқтисодиёти кишиларнинг ўзаро ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларига янгича руҳ бағишлаш билан бирга, ўзига хос қатъий талаблар қўяётгани шубҳасиз. Баъзилар бу талабларга қисқа даврда мослашиб, ислоҳотлар жараёнида ўз мавқеини тиклаб олаётир. Бироқ, тан олиш керакки, аҳолининг аксар қисми бозор иқтисодиётининг асл мазмун-моҳиятини ҳалигача тўлиқ тушуниб етганича йўқ. Гап хўжалик агросаноат тармоқларида тузилаётган шартнома-контрактлар устида кетаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бошқариш тартиби тўғрисида»ги Низом 1994 йилда тасдиқланган эди. Қолаверса, вазирликлар, идоралар ва тегишли тармоқ мутахассислари билан бўлган учрашувларда Президентимиз шартномалар тузиш жараёни суст амалга оширилаётганини кўп таъкидламоқда. Мамлакатда мулкдорлик, тадбиркорлик тамойиллари қониқарли даражада авж олмаётганлиги туфайли бу жабҳада қатор муаммолар пайдо бўлмоқда.

Масалалар моҳиятини таҳлил қилиб бериш учун мухбиримиз Республика Давлат мулки қўмитасининг агросаноат мажмуини хусусийлаштириш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси А. Мўминов билан суҳбатлашди.

— ***Абдухалил ака, ҳақиқатан ҳам хўжалик муносабатларидаги шартномалар тузиш ишида бугунги тадбиркорларимизнинг тиши «ўтмаслик» қилаяпти, деб ўйлайсизми?***

— Аввало, шуни эслатиб ўтиш керакки, товар-маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҳамда тайёрлов-савдо ташкилотлари орасида расмийлаштириладиган шартномалар «совет даври»да ҳам қўлланилган. Бироқ бу ҳужжатлар аксар ҳолларда амал қилмай ётгани натижасида не машаққат билан ишлаб чиқарилган, етиштирилган маҳсулотлар омборда чиришга маҳкум этилар эди. Ҳозирги иқтисодий муносабатлар хўжасизлик, бош-бошдоқлиқ ва расмиятчилик иллатлари билан сира келиша олмайди. Бозор муносабатларининг қонуни-шу. Шартномалар кўнгилдагидек амал қилмаётганининг сабабини эса нафақат тадбиркорларнинг бугунги малакаси, балки бошқа ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва қолаверса, маънавий-руҳий соҳалар оқсаётганидан қидириш мумкин.

Ҳозирги кунда республика халқ хўжалигининг 70 фоизга яқин улуши давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Бу дегани фуқароларнинг нодавлат тизимида фаолият юритаётган қисми давлат тизимида ишлаётганларидан анча ортиқдир. Кишиларимиз ҳиссадорлик жамиятларида ишлаб, қимматли қоғозлар эгаси бўлишмоқда, ўзлари ширкат, пудрат, жамоа ва деҳқон хўжаликлари тузиб, мулкдорлар тизимини шакллантиришяпти. Босқичма-босқич, жадал суръатлар билан бозорга кириб бораётган республикамиз аҳолиси мисли кўрилмаган иқтисодий бурилишлар ясаяпти-ю, лекин маънавий-руҳий тайёргарлик жиҳатдан оқсаётгани беихтиёр кўзга ташланиб қолаяпти. Хўжалик юритишнинг янгича-бозор усулларига мослаша олмаган кўпгина тайёрлов-савдо ва маҳсулот буюртмачиси бўлган ташкилотлар «иш йўқ»лиги важидан корхонанинг иқтисодий қувватини тушириб юбордилар. Ваҳоланки, бозор муносабатлари боқимандалик кайфиятига барҳам берар экан, бу ташкилотлар хўжалик йили бошланмасиданоқ маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро шартномалар тузиши ҳар жиҳатдан қулай бўлар эди.

Жами ер майдони 44,5 миллион гектар бўлган Узбекистон ҳудудининг 9.3 фоиз майдони қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун мўлжалланган. Тасаввур қилинг, тупроғимизнинг 4.2 миллион гектар ерида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрланар экан. Ана шу маҳсулотлар узумдан тортиб қовунгача, анордан то пахтагача ўз харидорини аввалдан топиб, зудлик билан қайта ишланиб, истеъмолчига етказилиши учун хўжалик муносабатларидаги шартномалар кафиллик берадику... Шу ҳақиқатни тан олишни хоҳламаётган замонамиз «тадбиркорлари» республика иқтисодий имкониятларига путур етказмоқда.

Мисол учун 1996 йилнинг январигача бўлган маълумотга кўра, шартномалар тузилмаган ёки уларнинг тўлиқ бажарилмаганлиги оқибатида Узбекистон гўшт-сут саноати, мева-сабзавот-узум саноати, пахта саноат таъмирлаш ташкилоти, «Ипак» республика савдо бирлашмалари (РПО) биргина фарғоналик деҳқон ва чорвадорлардан 969 миллион сўмлик маблағ қарз бўлдилар. Бундай мисолларни бошқа вилоятлардан ҳам келтириш мумкин. Шунинг оқибатида ўз маҳсулотини «насияга» бериб юборган республика деҳқонларининг ҳали қўлига олишга муваффақ бўлмаган иш ҳақлари 3,9 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Қўшимча тўлов ва мукофотлар ҳали бунга кирмайди.

Ана шу вазиятда хўжалик юритувчи ҳар икки томон ўзаро контрактация шартномаларини тузиб, унинг ҳуқуқий амалга оширилишини кузатганларида эди — юқоридаги салбий оқибат вужудга келмаган бўларди.

Бозор муносабатлари кишилардан тадбиркорликни талаб қилаяпти, деймиз. Тадбиркорлик тушунчасининг ўзи нима? Менинг назаримда ўз манфаатларини аниқ белгилаб олган, шу манфаатларга эришишда тўғри йўл топа олган кишини тадбиркор дейиш мумкин. Республика халқ хўжалигида фаолият юритаётган ишлаб чиқарувчилар ҳам, истеъмолчилар ҳам ҳали ўз манфаатларини тўлиқ англаб етмагандай туюлади менга. Зеро, контрактация шартномаларининг сифат жиҳатидан саёз тузилаётгани фикримизга далил бўла олади. Мисол учун ҳамкорликда фаолият юритиш учун ўз шериги билан шартнома тузар экан, томонлар ер кадастрини, транспорт харажатлари, аванс тўлаш тартибларини ҳужжатда аниқ, лўнда ифодалаган бўлишлари лозим.

Тан олиш керак — хўжалик муносабатларида тузилаётган шартномалар ҳозирги вақтда энг долзарб ҳужжатлардан бири бўлиб турибди. Бу масалага шахсан Президентимизнинг қайта-қайта мурожаат этаётгани ҳам бежиз эмас. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 29 февралида бўлиб ўтган йиғилишида ҳам шартномалар тузиш, унинг ҳар томонлама сифатли бўлишига эришиш ҳақида алоҳида сўз борди. Ўйлайманки, Президент Фармони билан товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг тузилиши ҳам тасодифий ҳол эмас. Зеро, фармойишда кўрсатилишича, Палатанинг вазифаси бозор конъюктураси, яъни талаб ва таклифни ўрганиш, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар муносабатларини мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Маълумки, ер кадастри-унинг сон ва сифат жиҳатдан хусусиятларини ўрганиш иши бўйича Австрия мутахассисларининг тажрибаси Европада оммалашгандир. Шунинг учун Давлат мулки қўмитаси австриялик ер-шунослар билан ўзаро иқтисодий алоқалар ўрнатишга муваффақ бўлди. Ўз навбатида «ғарблик»лар ҳам Узбекистонга ташриф буюриб, ер хусусиятларини илмий жиҳатдан ўрганиб кетишди. Ўйлайманки, бу соҳага ҳам муайян аниқликлар киритилса, тадбиркорларимизнинг ерга бўлган муносабати тамоман ўзгаради, унинг қадрига етадиган бўлишади.

Контрактация шартномаларини тузишда яна бир камчилик яққол кўзга ташланмоқда. Гап шундаки, биздаги расмий ва норасмий маълумотларга қараганда, шартнома тузиш жараёнларида кўпинча жамоа хўжалиги раиси, бош ҳисобчи, агроном ва шунга ўхшаш 4-5 кишилик «махсус гуруҳ»гина хабардор бўлиб қолаётир. Ваҳоланки, шартномада барчанинг имконият ва манфаат даражалари тўлиқ акс этиши лозим. Шунинг учун жойларда бевосита деҳқонлар, дастгоҳ ёнидаги ишчи, чўлқувварлар орасида тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Бундан ташқари, хабарингиз бўлса, ҳозирги кунда республика халқ хўжалигида бор-йўғи 2 минг атрофида ҳуқуқшунос қолди, холос. Демак, асосий вазифалардан бири ҳуқуқшуносларни бундай иш жараёнларига изчил жалб этишдир. Шунингдек, фаолият кўрсатаётган ҳуқуқшуносларнинг малакасини ошириш, уларни махсус синов-имтиҳонларидан қайта утказиш ҳам долзарб масала ҳисобланади. Қолаверса, шартномаларнинг намунавий шаклларини бозор иқтисодиётига мувофиқ равишда қайтадан тузиб чиқиш вақти келди.

Меҳнат жойларида, тадбиркорлар шартномаларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан манфаатли эканлигини англаганларидан кейингина «жўжани кузда санаймиз» қабилида таваккалчасига иш тутмай, аниқ ҳисоб-китобларга, суғурта кафолатларига асосланиб, онгли, дадил қадам ташлашларига замин яратилади.

Н. АЛИМОВ суҳбатлашди.

Касаба уюшмалари ҳаёти

КАМСУҚУМЛИКМИ ЁКИ...

«Жиззахтранс» ҳамда «Жиззахавтойул» акционерлик жамияти вилоятдаги корхоналардан ҳисобланади. Бу ерда қарийб беш ярим мингдан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Ташкилотларда болаларни соғломлаштириш ва ёзги дам олишларини ташкил этиш буйича бирмунча ишлар амалга оширилганлигини эътироф этиш билан бирга, тизимга қарашли бошланғич касаба уюшмалари мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмаётганини, жойлардаги таргибот-ташвиқот ишларининг етарли даражада эмаслигини ҳам тан олиш керак. Хусусан, қуйи жамоаларда болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш умуман амалга ошмай қолаяпти.

Утган йили таътил вақтида «Жиззахавтойул» давлат ҳиссадорлик бирлашмасида 16 та қуйи ташкилот ишчиларининг 650 нафар соғломлаштириш ёшидаги фарзандлари бор эди. Бироқ мавсумда 5 тагина қуйи ташкилот ходимларининг 33 нафар фарзандига бепул йўлланма ажратилди. Қолган ташкилотлардан биронта ҳам бола оромгоҳга бориш имкониятига эга бўлмади. Бу эътиборсизликми ёки масъулиятсизликми?

Гап шундаки, «Жиззахавтойул» касаба уюшма қўмитасининг қуйи ташкилотлари билан алоқаси етарли эмаслиги, ўз вақтида амалий ёрдам кўрсатилмаганлиги сабабли кейинги икки йил ичида Зомин, Дўстлик, Мирзачўл, Зафаробод, Пахтакор, Зарбдор туманларидаги йўл қурилиш ташкилотларида 100 нафардан зиёд киши ишлайди. Агар уларнинг бир нафардан мактаб ёшидаги фарзанди бўлса ёзги мавсумда ҳар бир туманда йўлсозларнинг 100 нафар фарзанди соғломлаштириш масканларига йўлланма олиши керак эди.

«Жиззахавтойул» давлат ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари бугунги кунда ута бегам ва масъулиятсиз раҳбар эканликларини намойиш этишмоқда. Чунки бу ерда жамоа шартномаларида баён этилган соғломлаштириш масаласи назоратдан четда қолмоқда. Бажарилиши лозим бўлган ишлар фақат қоғозда қолиб кетмоқда.

«Жиззахтранс» давлат ҳиссадорлик бирлашмасидаги аҳвол янаям ташвишли, 4328 нафар ишловчиси бўлган бирлашма раҳбарияти ва бирлашма касаба уюшма қўмитаси 1994 йилда 64 нафар, 1995 йилда 50 нафар бола учун оромгоҳларга йўлланма берган, холос. Яна ҳам ачинарлиси шундаки, бир қанча автожамоада болаларни соғломлаштириш масаласи билан раҳбарлар ҳамда касаба уюшма қўмиталари шуғулланишни умуман ҳаёлларига келтиришмайди. 2517-автокорхонада 531 нафар касаба уюшма аъзолари бор. Касабақўм раиси Г. Оллоёровнинг айби билан 1995 йилда автокорхонада ишлаётган кишиларнинг биронта ҳам фарзанди оромгоҳга юборилмади. Шунингдек, 20-автобус паркидаги аҳвол ҳақида тўхталсак. Жамоада 520 киши ишлайди. Корхона касабақўм раиси Л. Қаюмовнинг айби билан автожамланма меҳнаткашларининг биронта ҳам фарзандига оромгоҳларга йўлланмалар ажратилмади.

Касабақўм фаолиятлари текшириб кўрилганида, б

Машриқзамин дарғалари

МАВЛОНО ҲОФИЗ ТОШКАНДИЙ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Манбаларнинг шоҳидлик беришича, Ҳофиз Тошкандий 1569-1570 йиллари иккинчи марта Ҳиндистонга бориб, Бобурнинг набираси, қудратли Акбаршоҳ қабулида бўлган. Номдор саркарда ва подшоҳ Мирзо Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ саройнинг аъёнлари, вазиру вузаролари билан Аградан бир кунлик йўлга чиқиб, Ҳофиз Тошкандийни нафақат уз қариндоши, балки бобосини кўрган, у билан мулоқатда бўлган бир табаррук инсон сифатида қувонч қўзёшлари ила қучоқ очиб кутиб олган.

Ҳофиз Тошкандийнинг айниқса, Чингизхон ва ўзбек ҳукмдорларига бағишлаб ёзган нодир тарихий асарлари фан оламида жуда муҳим аҳамитга эгадир.

Х асрда яшаб ўтган аллома Муҳаммад бинни Инъом деган муаррих Шарқий Туркистон — Уйғуристон мамлакати ҳақида, уша улкан мамлакатнинг ҳоқони мутлоғи Тамғочхон бинни Бугро Қорахон номига форс тилида «Тарихи Туркистон» номли китоб ёзган. XVI аср урталарига келиб, бу асарнинг бир нусхасини Ҳофиз Қўйкий Тошкандий топиб, уни диққат билан мутолаа қилади ҳамда ўзининг кўп йиллик саёҳати асносидаги таасуротлари, тўплаган қўпгина қимматли ва илмий маълумотларидан фойдаланган ҳолда кенгайтириб, «Тарихи Хитой ва аҳволи мулкхо» номи билан туркий, халқлар, элатлар тарихи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳволи, расм-русум, урф-одатлари, шаҳарларнинг жойлашиши, иқлими, табиатининг ғўзал, серманзаралиги ҳақида атрофлича кенг ва қизиқарли далиллар билан тўлдиради. Масалан, Ҳофиз Тошкандий муаррих Мирхондинг (1433-1498 йил) «Равзат ус-сафо» («Покиза боғ») асарида Хўтан шаҳри ва одамларига, унда ўтган улуг сиймоларга таъриф берилган жумлаларни келтириб шундай ёзади:

«Хўтан кўп қўҳна, қадимий улкан музофотли, тўртинчи ва бешинчи иқлимга кирувчи машҳур шаҳардир. Қимматбаҳо яшм (нефрит)тоши шу улкадан чиқади, ўзга бир ерда чиқмас. Қашқардан Хўтангача йигирма кунлик йўлдир. Хўтандан Хитойгача эса тўрт ойлик йўлдир. Одамлари ғўзал ахлоқли, бир сўзлик, пок ниятлик, барча ишда баҳамжиҳат, иноқ-иттифоқдирлар. Жабр-зулм ва зўравонликни тубанлик ҳисоблаб, ундайларни ситамкор золимлар деб атайдилар. Жиноятчи ва ғуноҳкорларга муросасиз бўладилар. Ҳеч қандай ёвуз қуч олдида улар асло тиз букмайдиган жасур ва довюракдирлар. Тақводорлари кўп, ғўзал чеҳрали моҳитобонлари ҳам шундай кўп. Одамларининг кўпи косиб-ҳунарманд, табиатан идроклы, ўткир зеҳнли, ҳар қандай ҳунарни ўз қиёмига етказиб, харидорга маъқул ва мақбул бўларли даражада амалга оширадиган қобилиятлидирлар. Бу ерда ипак кўп етиштирилади. Олтин конига ҳам эга, сувга сероб. Бу шаҳарда харидоргир моллар бисёр, уни харид қилиб тугатиб бўлмайди. У ерда мева-чевалар ниҳоятда мўл бўлади, яйловзорлари поёнсиздир. Чорва моллари ҳам шундай жуда кўп. Хўтан заминида машҳур имом Жаъфар Содиқ разиоллоҳу анҳунинг мақбараси бор. Бу энг катта ва муқаддас олий зиёратгоҳ ҳисобланади. Кучликхон томонидан шаҳид этилган қўпгина аҳли фозилларнинг дафн этилган жойи бор бўлиб, бу жой «Шаҳидоний Хўтан» деган номда аталади.

Инобатли тарихий асар «Равзат ус-сафо»да келтирилишича, замона аввалида, яъни хижрийнинг олти юз ўн тўртинчи йили (мелодий 1217-1218 йиллари) Найман қавмларининг улуги, Таянгутхон Чингизхондан енгилгач, унинг ўрнига Кучликхон чиққан. У қўл остидаги ерларда ҳаддан зиёд жабр-зулмни кучайтирди. Биринчи навбатда Қашқар аҳлига қўпдан-кўп қулфатларни ёғдирди, экинзорларини пайҳон қилди, ўт қўйиб ёндирди. Бу золимларнинг чериклари бирор ҳурматли кишининг уйига ҳеч бир истиҳоласи ҳудди ўз уйига кириб боргандек, тўғридан-тўғри кириб борар ва унинг хотин-болалари олидида хўжайиндек ихтиёрий ўтирар экан. Мезбонни эса заррача ҳам кўзга илмас экан. Кучликхоннинг ўзи отаошпарастликдан яқиндагина хотинининг таъсирида унинг насроний динига ўтган бекарор ҳукмдор эди. У ўзидай қўл остига ўтган мусулмонларни ҳам маъжусий динига ўтишга куч билан мажбур эта бошлади. Унинг дини ва миллатига ихтиёр қилганлар омон қолишар, аксинча қаршилик қилганлар турли азоб-уқубатларга дучор этилиб, йўқ қилинар экан. У шундай усулни Хўтан аҳлига ҳам қўллади. Бир куни у, «ҳар қандай аҳли салоҳият эгалари ва аҳли аммома (салла-дасторлик кишилар)дан тортиб, фуқаролардача бўлган барчаси менинг ҳузуримда бўлсун» деб жар солдирган экан. Чақириққа биноан барча уламолар кенг бир майдонга йиғилибди. Унда уч мингдан зиёд уламолар ҳозир бўлишибди. Шу пайт Кучликхон: «Ичинглардан ҳақ сўзини яширмай, оширмай ва қўрқмай, ростлик билан дин ва миллат ҳақида баҳс-мунозара қиладиган ким чиқади?» —деди. Шунда уламолар етакчиси бўлган Хўтанлик адолат-пеша, фуқаропарвар мавлоно имом шайх Аловиддин Муҳаммад исмлик уламо ҳақиқат ва ростлик камарини белига маҳкам боғлаган ҳолда Кучликхон қаршисига даст чиқиб, Муҳаммад динининг устворлигини исботлаб далиллади. Бу ҳол у ёвуз, беқиёс ғафлат ва ҳиёнатини ўтириб, бемисл қўрқув даҳшатига солди ва ҳақиқатни бузғувчи ул унсур хон устидан ғолиб келди. Кучликхоннинг тили тамом танглайига ёпишиб, мутлоқ калимага келмай қолди, кутилмаганда кучли зарбага учраб, енгилиш ҳижолатчилигида қолди. Шундан кейин, унинг ҳайрати ошиб, қўзларига қон тўлди қўйи жаҳолат ғазаблари жунбушга келди. Муҳаммад Мустафо салоллиқу аллайҳи вассалламнинг шаъни ҳақида ёмон сўзларни тилга олиб, беадаблик қилишга жўръат этди. Шунда яхши табиатлик ва пок эътиқодлик мавлоно имом шайх Аловиддин Муҳаммад ал-Хўтаний ўзининг камоли ғайрати ва ҳимматининг зиёдалигидан бундайин беандиша сўзларни кутаролмай унга қарата: «Эй, сен ножинс иблис, қарғиш теккур лаънати Кучлик, ўшал қўланса қора оғзингга ғора тупроқ тўлсин!!!» деб дашном берди. Кучликхон бу сўзни эшитиб, имомни ҳибсга олди ва то дини исломдан қайтиб, маъжусийликка ўтмагунча тутиб туриш учун ёлғиз зиндонга ташлаттирди. Унга маълум вақтгача ёгулик ва ичгулик беришни ҳам ман этди. Лекин, имом ўз эътиқодидан қайтмади. Оқибатда бу ҳақгўй имомни Хўтанда ўзи бино эттирган мадрасаси дарвозасига чормихлаттириб ташлади ва яна неча кеча-кундуз азоб-уқубатга солди. Шунда ҳам у пўклил имом бу жабр-зулмни писанд қилмади. Калимаи шаҳодатни тилга олиб, мотамсаро халойиққа насиҳат қилиб, «Бу дунёнинг азоб-уқубатларидан қўрқиб, Муҳаммад динини қўлдан бермангла; бу фоний дунёни деб, имондан айрилиб, охиратингдан жудо бўлманглар. Оллоҳ томонидан мўмин муслим бандаларига иноят этилган улуғ неъматдан юз ўгирманглар» деган экан. Ҳофиз Тошкандий томонидан келтирилган бу каби тарихий ҳақиқатлар қиммати бениҳоя улкан бўлиб, улар кези келганда ҳечкимни бефарқ қолдирмаслиги, ҳисҳаяжонга тўлдирмаслиги асло мумкин эмас албатта.

Ҳожи Ҳалифанинг «Кашфу зунун»ида ёзилишига кўра, жаҳонгир Амир Темур даврида XIV аср охирлари ва XV аср бошлари қўпгина ҳунармандлар, бунёдкорлик ҳамда бошқа жуда кўп санъат турларининг намояндалари қатори Самарқандда яшаб илмий ишлар билан машғул бўлган Али ибн Муҳаммад Сайид ибн Шариф Журжоний ва Саъдиддин ат-Тафтазонийлар ҳам бўлиб, бўлар уша даврнинг энг забардаст алломалари ҳамда файласуфларидан эдилар. Хусусан, алломаи замон деб таъриф-тавсифланган Саъдиддин ат-Тафтазоний дорулсалтанат Самарқанд мадрасаларида дин ва дунёвий илмлардан дарс берган, сарой олимларига сарбонлик ҳам қилган экан.

Бу муътабар зот 1393 йилда 81 ёшида дорулсалтанат Самарқандда фоний дунёдан дорулбақоға рихлат этган. Марҳумнинг жасади унинг васиятига биноан Сарахсга элттирилиб, иззат-икром билан дафн этилганлиги ҳақида манбаларда қайд этилади.

Ҳофиз Тошкандий XIV-XV асрда яшаб ўтган ана шу икки йирик аллома-Али ибн Муҳаммад Сайид ибн Шариф Журжоний билан Саъдиддин ат-Тафтазонийга бағишланган қимматли асар ёзган. Шунингдек, бу икки йирик сиймо ўртасида ўтган адабиётшунослик термини ҳақида мунозараларнинг моҳиятини ёритиш мақсадида Ҳофиз Тошкандий «Истиораи тамсила» китобини ҳам ёзган. Мазкур асарнинг бир нусҳасини у Туркияга қилган сафарида усмонийлар ҳукмдори султон Салимга ҳадя этган.

Ҳофиз Тошкандий Истамбулга сафари чоғида улуг фалакшунос бобоси Али Қушчи дафн этилган мақбарани зиёрат этган. У салжуқийлар ҳукмдори ва унинг вазири аъзами Муҳаммад пошшонинг беҳад ҳурматларига сазовор бўлган. Узоқни кўра билувчи, ўткир фикрли султон Салим Ҳофиз Тошкандийни илму амалда чексиз иқтидорли, салоҳиятли, фасих забон киши эканлигини кўриб, унга Туркияда қолишни ва вазири аъзамлик мансабини эгаллашни таклиф қилган. Бироқ олим узига билдирилган бундай улуғ ҳурматлар учун бағоят мамнун ва миннатдорчилигини изҳор этиб, султоннинг таклифини узр ила рад этади ҳамда она замини Тошкентга қайтади ва қолган ҳаётини илмий ишларини давом эттиришга бағишлайди.

Мавлоно Ҳофиз Қўйкий Тошкандийнинг яна бир машҳур «Тарихи олий Чингиз» («Чингизхон ва унинг авлодлари тарихи») асари мўғул ва ўзбек халқлари тарихига оиддир. Бу китоб битикларидан манбаларининг аниқ ва тўлалиги билан муаллиф бошқа ўтмиш муаррихларидан ажралиб туради.

Кейинги изланишларга таяниб айтадиган бўлсак, замонасининг баркамол маърифатпарвари, тадқиқотчи сайёҳи бўлган бу улуғ инсон, ажойиб сўз устаси «Сижил Усмоний»да ёзилганидек, 1572 йили эмас, балки 1584 йили 94 ёшида Тошкентда вафот этган. Баъзи маълумотларга қараганда, унинг қабри Қаффол аш-Шоший мақбарасига кираверишда ўнг тарафдадир.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида мавлоно Ҳофиз Тошкандийнинг «Шарҳи одобул алмунозара» («Одоб-аҳлоқ тўғрисида мунозара китобига шарҳ») деб, араб тилида битилган китобининг 1604 йилда Балх шаҳрида Муҳаммад Замон бинни Лутфулло хаттот томонидан настаълиқда ҳуснихат билан кўчирилган нусҳаси, шунингдек, араб тилида ёзилган «Фавойиди зиёйия» номли шарҳланган асари, ўз устози мавлоно Асомиддин Иброҳим Исфаройилийнинг форс тилидаги «Шарҳул мезон», «Дастурил фаройиз» номли Қўйкий томонидан шарҳланган китоблари сақланмоқда.

Мирзо Улуғбекнинг фалакиёт соҳасидаги энг яқин маслақдоши бўлган заҳматкаш улуг инсон мавлоно Аловиддин Али Қушчининг Тошкентда яшаган ардоқли номдор набираси мавлоно Ҳофиз Тошкандийнинг азиз номини авлодлар яхши билишса, ул зоти бобарокатдан мерос бўлиб қолган асарлар кенг жамоатчиликка етказилса, илмга ҳам, уқувчига ҳам фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.

ҲОЗИРЖАВОБ БЎЛАРДИ

«Ишонч»нинг касаба уюшма ойномасига айланганлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шу боисданки касаба уюшма фаоллари, барча мухлислари газетанинг ҳар бир сонини орзиқиш билан кутишадиган бўлиб қолди. Албатта, унга ҳар ким ҳар хил мақсад билан ёзилган. Маданият, санъат ва халқ таълими ходимлари ундан ўз соҳаларига оид мақолаларни кутишса, соғлиқни сақлаш, транспорт, саноат ва қишлоқ хўжалик ходимлари хусусида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. Биз, бевосита касаба уюшма фаоллари эса севимли газетамиздан ишимизга ёрдам берадиган, жумладан фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда мушкулимизни осон қиладиган, ҳал эта олмаётган муаммоларимизни ечишда ёрдамлашадиган материалларни кутамиз. «Биздан сўрабсиз» рукни остида ёритилаётган савол-жавоблар бу борада анча қўл келяпти. Шу билан бирга баъзи масалаларда қаерга мурожаат қила олмай бошимиз қотади. Гап шундаки, «Ишонч»да Президентимизнинг, Вазирлар Маҳкамасининг, тегишли Вазирликларнинг фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга оид Фармон ва ҳужжатлари, қарор ва кўрсатмалари ҳар доим ҳам тўла-тўкис бериб бориляпти, деб айтиш қийин. Оқибатда вилоят, туман ва шаҳар тармоқ қўмиталари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаоллари уларни бошқа марказий нашрлардан ахтариб топишга мажбур бўлмоқдалар. Агарда юқорида тилга олинган мақсад амалга ошса, биринчидан, республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фуқароларни ижтимоий муҳофазалашга таалуқли сиёсатни тарғиб қилишда газетамиз ҳозиржавоблиги ошган, қолаверса, мухлислари, обуначилар янада кўпайган бўлур эди.

Ж.ВОҲИДОВ.

Андижон вилояти. Халқимиз азалдан ҳунарманд бўлган. Бу анъана ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. шундан бўлса керак чет эллик меҳмонлар уста Нурматжон Шарипов (суратда) томонидан кади қовоқдан тайёрланган турли-туман буюмларни, совғаларни қизиқиб тамоша қилишмоқда, устанинг санъатига тасаннолар айтишмоқда. Айни кунларда уста соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб турли совға буюмлари тайёрламоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ сурати.

Одамийлик сабоқлари

АГАР ИМОН СОҒЛОМ БЎЛСА...

Юртимизда эсаётган мустақиллик шабадалари турмушнинг барча жабҳаларида инқилобий ўзгаришлар ясалишига, қадимий урф-одатларимиз, динимизнинг тикланишига имкон яратди. Ҳар қандай вазиятда ҳам инсон ҳамиша инсондир. Инсон яшашга бўлган зарур эҳтиёжини қондириш учун меҳнат қилади, курашади. Лекин айрим хатти-ҳаракатларимизнинг, билиб-билмай босаётган қадамларимизнинг шариат йўли бўйича тўғри ёки нотўғри баҳоланишига эътибор берамизми? Мусулмончилик одатларига тўла риоя қиламизми? Ана шунга ўхшаш саволларга жавоб топиш учун мухбиримиз Темур ҲАЙДАРОВ Тошкент шаҳридаги «Ракат» масжидининг имом-хатиби Абдулла ҳожи Ҳамдамов билан суҳбатлашди.

— Мустақил давлатимиз ҳар кимга имконияти даражасида фаолият кўрсатиш учун шароит яратиб берди. Шахсий фаолият турлари, айниқса тижоратчилар кўпайди. Кўпроқ фойда олиш ҳаракати бошланди. Сиз бу ҳолатни қандай баҳолайсиз?

— Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим! Аввало айтишим керакки, фойдани кўзлаб иш ютириш яхши, аммо закотни ҳам унутмаслик керак. Мусулмончиликнинг бажарилиши шарт бўлгани фарзлари бор. Шулардан бири — закотдир. Етмиш йилдан ортиқроқ вақт мобайнида бизларга сингдириб келинган сиёсат натижасида халқимиз орасида, афсуски, ҳали ҳам закот нима эканлигини билмайдиганлар бор. Закот нима, у кимларга ким томонидан буюрилган — буларни ҳар бир мусулмон яхши билиб олиши лозим. Балоғат ёшига етган, ақли расо киши мол-мулкининг ҳар қирқ сумидан бир сумини закот пули сифатида тақсимлаши савоб. Бундай маблағлар ғарибларга, ожизларга, ногиронларга, етим-есирларга, беваларга, толиби илмларга ҳамда диний марказларга берилади. Ҳозирги шароитда оила харажатларидан ташқари 24—25 минг сўмга эга бўлган кишилар гарданига закот бериш буюрилади. Бундан ташқари тилла, кумуш, уй ҳайвонлари ҳисобидан ҳам йилига бир марта закот берилиши жоиз. Булар — 30 та сигирдан бир яшар бузоқ, 40 та қўй-эчкидан битта қўй, ҳамда ҳар от баҳосининг 40 сўмидан бир сўм миқорида белгиланган. Касб-кордан, деҳқончиликдан бериладиган ушур ҳам борки, бунинг натижасида Аллоҳ касбу корга, деҳқончиликка барака беради, бало ва офатлардан сақлайди. Аҳли мусулмонларга закот бериш фарз эканлиги Қуръони каримда 2-суранинг 13-оятида, 5-суранинг 15-оятида баён қилинганки, буни қизиққан кишилар ўқиб, ўрганишлари мумкин.

— Турмушимиздаги ўткинчи қийинчиликлар баҳонасида тажанг, бир-бирини юз-хотир қилмасдан қаттиқ гапириб, беҳурмат қилувчилар ҳам учраб туради. Билиб-билмай бегуноҳ одамларнинг кўнглини оғритувчиларнинг қилмишлари, баъзи аёлларнинг эрларини ҳақорат қилишлари мусулмончилик нуқтаи назаридан тўғрими?

— Юртимизда эришилган мустақилликни бир кучатга, ниҳолга ўхшатиш мумкин. Ниҳолни улғайтириб, мевасини тановвул қилиш учун анча меҳнат, сабр-тоқат талаб этилганидай, жамиятимиз ҳам янгиланиш йўлидан кетяпти. Бунда айрим қийинчиликлар бўлиб туриши тутилган ходисадир. Лекин шу қийинчиликларни баҳона қилиб, ога-инини, опа-сингилни, қўни-қўшнини, эр-хотинни бир-бирининг кўнглини оғритиши инсонлик шаънимизга, динимизга муносиб эмас. Қуръони каримнинг 40-сурасидаги оятларда, ҳадисларда бундай ҳатти-ҳаракат қораланади. Динимиз қоралайдиган энг ёмон ҳолат шуки, аёл эрни «Ношудсан», «Бошқалар қилган ишни эплай олмайсан», «Гапингни эплаб гапиролмайсан», деган сўзлар билан камситмаслиги керак. Чунки эр аввало рўзғорни юритади, исломда Аллоҳ аёлга эрни ҳурмат қилишни буюрган. Билиб-билмасдан эрга озор берган аёл ўз жонини дўзахга ташлаган бўлади. Агарда эр хотинга ноҳақ зулм ўтказса, у ҳам ўз жонини ўзи дўзахга ташлаган бўлади. Чунки, бу дунёда ҳамма нарса ҳисоблидир. Вақти-соати келиб, ҳар бир ҳаракатимиз учун жавоб берамиз. Шунинг учун ҳам бир-биримизга нисбатан ширинсўз, кечиримли бўлишимиз керак.

— Вилоят қишлоқларидан бирида маҳаллий диний уламолардан бири марҳум қабрга қўйилганидан кейинги кунлари қабрни зиёрат қилувчиларнинг бу ишини қоралади, борманглар, деди. Кабрларни зиёрат қилиб, кўнгил сўзлари айтиб, тиловат қилиш гуноҳми?

— Мозорларни, қабрларни зиёрат қилиш, марҳум руҳига тиловат қўрғонлар бағишлаш тириклар гарданига қарз ва лозим амаллардан ҳисобланади... Тириклар ҳақига, марҳумлар ҳақига дуо қилишнинг яхшилиги муқаддас китобимизнинг 4-сураси, 10-оятида, ҳадисларда баён қилинган. Ҳар бир имонли инсон учун дастур бўлган Аллоҳ каломи бор экан, мулоҳазасиз гапларни айтиб, одамлар ўртасида гумон солиш яхши эмас. Фақат қабрларни заруратсиз тепкилаш, қабрлар устига етиб, ҳар хил сўзларни айтиб йиғлаш, қабр бошига, шамчироқ ёқиш, оғир-оғир бетонлар ва тошу, темирларни қўйиш яхши иш эмас. Қабрлар устида майсалар, гуллар ўсиб тургани маъқул.

— Марҳумнинг ҳудойисига келган қариялардан бири «Бу хонадонда овқат емайман, бу таомлар етимларнинг ҳаққи. Мен таъзия билдиришга, ҳамдардлик изҳор этишга келганман», — деди. Шариат ўлумлари бўйича ҳудойи қилган тўғрими, ёки қариянинг гаплари тўғрими?

— Бу саволга жавобни воқеанинг ўзидан излаш керак. Қуръони каримнинг 4-сурасида баён этилишича, марҳумнинг ўзи жамғармаси бўлса, ака-ука, ёки бирон қариндоши эҳсон қилса, у ўринли ҳисобланади.

Агарда марҳумнинг қўмакка муҳтож ёш етимлари қолган бўлса, бу ерда таом еган киши Аллоҳнинг ҳузурида қандай одам бўлади? Бу ҳақда ҳадисларда ҳам баён қилинган. Ҳар бир одам ўз ҳаётида ақл ва мулоҳаза билан иш тутса, аввало эл-юрт олдида, қолаверса, Аллоҳнинг ҳузурида юзи қора бўлмайди.

Тангримбарчамизга иноят этиб, ҳижолатда қолдирмайдиган амалларни ҳаётимизга тадбиқ қила бормоқликни насибу рузи айласин.

Ижодкорларга ғамхўрлик

ЖИЗЗАХ АДАБИЙ МУҲИТИ

Жиззах адабий муҳити ўзбек адабиёти деб аталмиш азим дарёнинг жўшқин ирмоғидир. Бу ирмоқ, узоқдан бошланади. Унинг шаъни-шарафи ҳам бошқачадир. Шу ижодий ирмоқ файз-барака берган Жиззах воҳаси қадимқадимдан ажойиб ижодкорларга ватан бўлган. Убайдулла Аламкаш, Маҳмуд Коризий, Муаззамхон, Фозил Йўлдош ўғли, Анқабой Худойбахтов, Баҳромбек Иброҳимовлар шу маконда туғилиб, воғга етганлар, ўз асарларини ёзганлар. Ҳамид Олимжон, Назир Сафаров, Қодиржон Имомов, Шароф Рашидов, Сарвар Азимов, Ориф Икромов, Насурулло Оҳундийлар ўз ижодлари билан Жиззах шуҳратини оширган бўлсалар, Тўра Сулаймон, Назиржон Баракаев, Нурали Қобул, Шароф Бошбеков, Шукурулло Файзулло, Мамадали Маҳмудов, Сайимжон Исоқов, Эргаш Муҳаммад, Оқилжон Ҳусановларга ҳам шу улка чиройи қўлларига қалам тутқазган эди. Ҳозир эса Амирулло Файзулло, Рустам Ғани, Туроб Ниёз, Абдулла Қўшбоқ, Абулқосим Мамарасул, Абдулло Аҳмад, Келди Қодир, Олимжон Жўра, Маъмуржон Носир, Нўъмон Мирзо, Ҳамроқул Аскар, Баҳтиёр Ризо, Саттор Қорабоев, Туроб Мақсуд, Иброҳим Дониш, Шарофат Ботирова, Саъдулла Ҳаким, Фароғат Камолова каби қаламкашлар воғга етмоқда.

Бундай қаламкашларнинг, ёш талантларнинг юзага чиқишида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Жиззах вилояти бўлими жамоасининг муносиб улуши борлигини таъкидлаш жоиздир. Дарҳақиқат, уюшма жамоасининг саъйи-ҳаракатлари, гамхўрлиги туфайли қўплаб қалам соҳиблари ойдин йўлга чиқиб олдилар ва эндиликда адабиёт майдонида баракали ижод қилмоқдалар.

Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими таниқли ёзувчи Оқилжон Ҳусанов, шоир Тўра Сулаймон, Шерлон Алиевларнинг ижодий кечаларини ўтказди. Эл севган бахши Фозил Йўлдош ўғли таваллудининг 125 йиллигига, атоқли давлат ва жамоат арбоби, байналминал ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 80 йиллигига, Сарвар Азимов таваллудининг 75 йиллигига тайёргарлик ишлар ҳозирдан бошлаб юборилди.

